

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

**ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАР
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 –“Бизнес ва бошқарув” таълим
соҳасидаги 5А3406016 – “Халқаро инвестициялар”
магистратура мутахассислиги учун**

Ташкент – 2003

Тузувчилар: проф. Абдуллаева Ш.З.
к.ўк. Эрназаров Н.С.
Такризчилар: проф. Қоралиев Т.М.
Камолов А.

Халқаро молия институтлари фани етакчи мутахассислик фанларидан бири бўлиб, унда халқаро молия институтлари, уларни ташкил этилиши, халқаро миқёсда олиб борадиган фаолиятлари, халқаро иқтисодий муносабатлардаги аҳамияти, халқаро валюта муносабатларини бошқариш, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бозор иқтисодиётини шакллантириш каби мавзулар ёритилади.

Предмет "Международные финансовые институты" является одним из основных спец предметов. В нём освещаются темы Международные финансовые институты, их создание, деятельность в международной сфере, роль в международных экономических отношениях, экономическая поддержка развитым и развивающимся странам, развитие рыночной экономики и т.д.

The course "International financial institutions" is one of the main special subjects. This course consists of such themes as international financial institutions, their establishing, activity in international sphere, their role in international economic relations, economic support to industrial and developing of market economy and etc.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2003 йил 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Халқаро молия институтлари фанини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига асосан тасдиқланган давлат таълим стандартига биноан "Халқаро молия институтлари" фани ўқитилади.

Ҳар қандай иқтисодиёт ресурсларнинг чекланганлиги, ҳамда эҳтиёжларнинг чексизлиги билан белгиланади. Бунда, ушбу ресурслардан энг самарали фойдаланадиган ва эҳтиёжларни максимал даражада қондирадиган иқтисодиёт - энг самарали иқтисодиёт бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳолат, албатта, мамлакатларнинг ўз иқтисодий, сиёсий, тарихий ўтмишидан келиб чиққан ҳолда, маълум соҳаларда ихтисослашганлигини келтириб чиқаради ва ўзининг маълум бир эҳтиёжларини бошқа бир мамлакат ишлаб чиқарган моддий неъматлар ҳисобига қондиришни тақозо этади. Ушбу ҳолат халқаро товар ва хизматлар, валюта айирбошлаш жараёнларини, капиталлар ва кредитлар ҳаракатини, ҳамда улар бўйича ҳисоб-китобларнинг халқаро даражада олиб борилишини шакллантиради. Ушбу муносабатларни ўрганмасдан туриб, ҳар қандай мамлакат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятлигининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида жаҳон иқтисодий муносабатларида иштирок этиши ва ўзининг мустақил иқтисодий сиёсатини юргизиши деярли мумкин эмас.

Халқаро молия институтлари фани бўйича талабаларнинг билимига, ўқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

Магистр "Халқаро молия институтлари" фани бўйича қуйидагиларни билиши зарур:

- Ҳозирги даврда халқаро молия институтларининг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни;
- Халқаро молия институтлари томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсат;
- Ҳозирги замон халқаро банклар томонидан давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш;
- Иқтисодий соҳадаги халқаро муаммоларни ечишда халқаро молия институтларининг роли.

Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси

Халқаро молия институтлари фани "Халқаро иқтисодий муносабатлар", "ХВКМ", "Халқаро молия", "Халқаро суғурта", "Халқаро валюта ва ҳисоб операциялари ва бошқа иқтисодий фанлар билан узвий боғлиқдир.

Фани ўқитишдаги янги технологиялар

Халқаро молия институтлари курсини ўқитишни педагогик технологиясининг таркибий қисми бўлмиш:

- ўқув мақсадлари ва вазифаларини каталогларини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадларига эришиш ва назорат қилиш;
- режалаштирилган мақсадларнинг бажарилишини баҳолаш каби нуқтаи назардан ташкил этиш тавсия этилади.

Фани ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

"Халқаро молия институтлари" фани I-семестрда ўқитилади. Истиқболли ҳисоб-китобларни тузиш ва олиб боришда компьютердан кенг фойдаланилади ҳамда ўқув жараёни рейтинг тизимида ташкил қилинади.

Магистрлар билимини баҳолаш ҳамда назорат қилишда кўп вариантли тестлар ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш лозим.

Талабалар билимини баҳолашда қўлланиладиган назорат тадбирлари

"Халқаро молия институтлари" фанида талаба ўқув жараёнида икки маротаба оралиқ ва жорий ҳамда бир маротаба якуний назорат орқали баҳоланади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга барча мутахассисликлар учун 80 соат ҳажмда вақт ажратилган. Уларнинг 40 соати маъруза, 40 соати амалий машғулотлар ҳамда 40 соати мустақил таълимдир.

2. ФАН ДАСТУРИ

Фаннинг мазмуни

Халқаро молия институтлари фанининг мақсад ва вазифалари

Фаннинг предмети, унинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги. Фанни ўрганиш услублари ва аҳамияти. Халқаро молия институтларининг вазифалари ва мақсадлари. *Халқаро молия институтларининг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.*

Халқаро молия институтлари ва уларнинг турлари

"Халқаро молия институтлари" тўғрисида тушунча ва унинг келиб чиқиш тарихи, унинг асосий турлари. Халқаро валюта фонди, Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банки, Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЮНКТАД), Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Осиё Тараққиёт Банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки, Европа Иттифоқи ва бошқаларнинг ташкил топиш тарихи ва уларнинг олдига қўйилган асосий вазифалар.

Халқаро валюта фонди, унинг асосий вазифалари ва функциялари

Халқаро валюта фондининг ташкил топиши. *Халқаро валюта фонди олдига қўйилган асосий вазифалар.* Халқаро валюта фондининг бошқа молия институтлари билан алоқаси.

Халқаро валюта фондининг бошқарув структураси. Халқаро валюта фондининг капиталлари ва қарз ресурслари. Халқаро валюта фондининг кредитлаш фаолияти. Халқаро валюта фондининг халқаро валюта-кредит муносабатларини тартибга солишдаги роли.

Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банки, унинг асосий вазифаси ва роли

Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг ташкил этилиши ва унинг асосий олдига қўйган вазифалари ҳамда мақсади. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг ташкилий тузилиш структураси. Банк ресурсларини ташкил қилиниши.

Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг кредит сиёсати. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг собиқ иттифоқ давлати ўрнида ташкил топган мустақил давлатлардаги асосий фаолияти.

Халқаро Ривожланиш Ассоциацияси ва Халқаро Молия Корпорацияси. Уларнинг асосий вазифалари ва функциялари.

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки, унинг асосий функциялари ва вазифалари

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг ташкил этилиши, унинг асосий вазифалари ҳамда мақсади.

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг ташкилий структураси. Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки ресурсларининг ташкил қилиниши ва мақсадли ишлатилиши.

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг кредит-инвестиция сиёсати. *Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг бошқа халқаро молия ташкилотлари билан алоқаси.*

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг энергетика, телекоммуникация, транспорт, агробизнес, хусусийлаштириш бўйича олиб бораётган асосий фаолияти.

Регионал (худудий) валюта-кредит ва молиявий ташкилотлар

Европа Интифоқининг ташкил топиши ва асосий вазифалари ҳамда мақсадлари.

Европа Инвестиция Банки, унинг асосий вазифаси ва функциялари.

Европа қишлоқ хўжалиги ихтисослашган фондининг ташкил этилиши, унинг асосий функциялари ва вазифалари.

Европа Валюта Фондининг ташкил топиши ва асосий вазифалари. Европа валюта институти, Европа Марказий банки билан, ташкил топиши ва операциялари.

Халқаро Ҳисоб Китоблар Банкнинг ташкил этилиши, унинг асосий мақсади ва функциялари

Халқаро Ҳисоб Китоблар Банкнинг ташкил этилиши ва вазифалари. Халқаро Ҳисоб Китоблар Банкнинг асосий операциялари. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда Халқаро Ҳисоб Китоблар Банкнинг роли.

Осиё Тараққиёт Банки, унинг асосий функциялари ва вазифалари

Осиё Тараққиёт Банкнинг ривожланиш тарихи ва ташкилий тузилиш структураси. Осиё Тараққиёт Банкнинг асосий вазифалари, функциялари, мақсади. Осиё Тараққиёт Банкнинг бошқа халқаро молия ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро алоқалари. Осиё Тараққиёт Банкнинг кредит сиёсати. *Осиё Тараққиёт Банкнинг бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар билан ўзаро иқтисодий алоқалари.* Осиё Тараққиёт Банкнинг иқтисодий муносабатларини ривожлантириш истиқболлари.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МАВЗУСИ

Халқаро молия институтлари ва уларнинг турлари

Халқаро молия институтлари. Уларнинг асосий мақсади ва вазифалари. Халқаро молия институтларининг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни. Халқаро молия институтларининг ҳозирги кундаги асосий фаолиятлари*.

Халқаро Валюта Фонди, унинг асосий вазифалари ва функциялари

Халқаро Валюта Фондининг ташкил қилишнинг зарурлиги. Жаҳон валюта тизимини бошқаришда Халқаро Валюта Фондининг асосий мақсади ва вазифалари*. Жаҳон валюта тизими, минтақавий валюта тизимлари ва уларнинг ўзаро алоқалари. Халқаро аъзо давлатларнинг миллий валюталарини конвертирлашда Халқаро Валюта Фондининг роли ва аҳамияти.

Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг ташкил топиши ва унинг асосий фаолияти

Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкини ташкил этиш зарурлиги ва унинг вазифалари. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкига аъзо бўлган давлатлар ва уларнинг мақсадлари. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг кредит сиёсати ва жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни*. Жаҳон Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқаси.

Халқаро Ривожланиш Ассоциациясининг ташкил топиши ва вазифалари

Халқаро Ривожланиш Ассоциациясини ташкил қилиш зарурлиги. Халқаро Ривожланиш Ассоциациясининг халқаро миқёсдаги тутган ўрни ва асосий фаолияти*. Халқаро Ривожланиш Ассоциациясининг бошқа молия ташкилотлари билан алоқалари ва кредит сиёсати.

Халқаро Молия Корпорациясининг ташкил топиши, мақсади ва вазифалари

Халқаро Молия Корпорациясини ташкил этиш зарурлиги. Халқаро Молия Корпорациясининг асосий мақсади ва вазифалари*. Халқаро Молия Корпорациясининг кредит сиёсати. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий ҳаётида Халқаро Молия Корпорациясининг тутган ўрни ва аҳамияти.

Европа Тараққиёт ва Тикланиш Банки, унинг асосий функциялари ва вазифалари

Европа Тараққиёт ва Тикланиш Банкнинг ташкил этилиши. Европа ҳамжамиятининг ҳаётида банкнинг тутган ўрни. Европа Тараққиёт ва Тикланиш Банкнинг кредит сиёсати. Европа Тараққиёт ва Тикланиш Банкнинг Европа Иттифоқи давлатлари ва бошқа аъзо давлатларининг иқтисодиётини юксалтиришдаги ҳамкорлиги*.

Европа Иттифоқининг ҳудудий валюта-кредит ва молиявий ташкилотлари, уларнинг асосий вазифалари ва функциялари

Европа Инвестицион банкнинг ташкил этиш зарурлиги. Европа Инвестицион банкнинг асосий мақсади ва вазифалари*. Европа Инвестицион банкнинг асосий фаолияти ва кредит сиёсати. Европа Ривожланиш Фонди, унинг ташкил топиши ва асосий вазифалари. Европа Иттифоқининг бошқа ташкилотлари ва уларнинг асосий вазифалари.

Халқаро Инвестиция Банки, унинг ташкил этилиши ва асосий функциялари*. Халқаро Инвестиция Банкнинг бозор иқтисодиётига ўтган аъзо давлатлар фаолияти билан унинг фаолиятини ўзгариши.

Халқаро Ҳисоб Китоблар Банкнинг ташкил этилиши, унинг асосий мақсади ва функциялари

Халқаро Ҳисоб Китоблар Банкнинг ташкил этилиши ва функциялари. Халқаро Ҳисоб Китоблар Банкнинг асосий операциялари. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда Халқаро Ҳисоб Китоблар Банкнинг роли.

Осиё Тараққиёт Банки, унинг асосий мақсади ва функциялари

Осиё Тараққиёт Банкнинг ривожланиш тарихи ва ташкилий тузилиш структураси. Осиё Тараққиёт Банкнинг асосий вазифалари, функциялари, мақсади*. Осиё Тараққиёт Банкнинг бошқа халқаро молия ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро алоқалари. Осиё Тараққиёт Банкнинг кредит сиёсати. Осиё Тараққиёт Банкнинг бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар билан ўзаро иқтисодий алоқалари. Осиё Тараққиёт Банкнинг иқтисодий муносабатларини ривожлантириш истикболлари*.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ: ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Интернет сайтлари: www.bizbook.ru, www.chtivo.ru.

Аудио-видео жиҳозлар. - Мавзуга бағишланган видео кассеталар.

Кодоскоп орқали кўрсатиладиган слайдлар:

- Халқаро молия институтлари ва уларнинг турлари мавзуси бўйича 2та слайд;
- Европа Тараққиёт ва Тикланиш Банки, унинг асосий вазифаси ва роли мавзуси бўйича 3та слайд;
- Халқаро Ривожланиш Банклари, уларнинг асосий вазифалари ва функциялари мавзуси бўйича 3та слайд;
- Регионал (худудий) валюта-кредит ва молиявий ташкилотлар мавзуси бўйича 2та сайт;
- Осиё Тараққиёт Банки, унинг асосий функциялари ва вазифалари мавзуси бўйича 2та слайд.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Фан бўйича талабаларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ) - 35%;
- оралик баҳолаш (ОБ) - 35%;
- якуний баҳолаш (ЯБ) - 30%.

ЖБ ва ОБ турлар ва белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг) 70%, якуний баҳолаш эса 30% миқдорида белгиланади.

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин ЯБда тингловчи "ёзма иш" усулида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.

Таянч тушунчаларига асосланган (ёзма иш) усулини ўтказиш тартиби "Рейтинг тузишнинг якуний баҳолаш босқичида" "ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий низом билан белгиланади. Семестр ўқув йили давомида ўқитилган фан бўйича максимал, 55 ва ундан юқори фоизни тўплаган талаба қониқарли ўқиётган деб ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55% идан кам балл тўплаган талаба қониқарсиз ўқиётган (қарздор) деб ҳисобланади.

Семестр давомида фан бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 - 100 - "аъло" - 68,8 - 80,0 балл;
- 71 - 85 - "яхши" - 56,8 - 68,0 балл;
- 55 - 70 - "қониқарли" - 44,0 - 56,0 балл.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги Қонун. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. "Ўзбекистон Республикаси банклар фаолияти тўғрисида"ги Қонун. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Ўзбекистон республикаси президентининг фармонлари 1995й. 5 январдан 2001 йил 1 январгача. - Т.: Адолат, 2000.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. Абдуллаева Ш. Банк иши. Ўқув қўлланма. - Т.: Молия, 2000.
6. Александрова Н.Г. и др. Банки и банковская деятельности для клиентов. - С-Пб.: Питер, 2002.
7. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. пос. для ВУЗов. Под ред. проф. А.Н. Товашева. - М.: Юнити-Дана, 2001.
8. Банки, информация, анализ. -М.: -Вашингтон, 1996, 1-3-тома.
9. Бланк А.И. Инвестиционный менеджмент. - Киев, 1995.
10. Букадо В.И. и др. Банки и банковские операции. -М., 1996.
11. Банки и банковское дело / Под. ред. И.Т. Балабанова. - С-Пб.: Питер, 2001.
12. Братко А.Г. Банковское право: Теория и практика -М.: ПРИОР, 2000.
13. Владимирская А.С. Валютные операции. - М., 1996.
14. Валовая Д. Валютный рынок и его колебания. - М.: Финстромформ, 1995.
15. Вахобов А.В., Жумаев Н.Х., Бурханов У.А. Халқаро молия муносабатлари. - Т.: Шарқ, Дўстлик, 2003.
16. Грудков Ф.И. Инвестиции и ценные бумаги. -М.: Юнити, 1996.
17. Деньги, кредит, Банки. Ценные бумаги. Практикум: Учеб. пособие для вузов - Под ред. Е.Ф. Жукова. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
18. Иминов О.К. Кредитный механизм современных условиях. Монография. - Т.: ТГЭУ, 2000.
19. Иқтисодий йўналишлар чораклик нашр. Ўзбекистон. Апрель-июнь. 2001.
20. Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. - М.: ФиС, 2001.
21. Казимогомедов А.А., Илясов С.М. Организация денежно-кредитного регулирования. - М.: Финансы и статистика, 2001.
22. Нечаева И. Финансовый и банковский менеджмент. - М.: 1996.
23. Овсийчук М.Ф. и др. Финансовый менеджмент методы инвестирования капитала. - М., 1996.
24. Савчук В.П. Примекко С.И. Величко Е.Г. Анализ, разборка инвестиционных проектов: Учеб. пос. -Киев: Эльга, 1999.
25. Стоянова Е.С. и др. Управление оборотным капиталом -М: ВО Перспектива, 1998.
26. Шарифходжаев М.Ш. Экономическая теория. - Т., 1999.
27. Шеремет А.Д. Финансовы анализ в комерческом банке. - М.: Финансы и статистика, 2000.

28. Интернет сайтлари:

- www.banking.com - минтақавий банклар, ассоциациялар ва нашриётлар бўйича банк саноати ресурслари директорлиги.
- www.banking.com/aba - Америка банклари ассоциацияси.
- www.state.ct.us/dob - коннектикут банклари ва кредит бирлашмалари, кредит муассасалари ва кўриқлаш саноатини бошқаради.
- www.arraydev.com/commerce/ЛВС - интернет банкинг ва коммерция журнали.
- www.bankingtech.com - банк технологиялари.

Қўшимча адабиётлар

1. Абалов А.Э. Международный рынок драгоценных металлов: принципы функционирования. - С-Пб., 2001.
2. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения Учеб. пос. -М., 2001.
3. Дж. Менвиль Харрис. Международные финансы. - М., 1996.
4. Ершов М.В. Валютно-финансовые механизмы в современном мире. - М.: ОАО МПО, 2001.
5. Костюнина Г.М. Международная практика регулирования иностранных инвестиций. Учеб. пос. - М., 2001.
6. "Бозор, пул ва кредит" журналлари, 2001-2002 йиллардаги сонлари.